



Исломнинг хужайраси таназзул даврларида ҳам уз фаолиятини тўхтатмади. Подшоҳлар ва фотихлар ичидан узларининг сийратлари ва ахлоклари билан, динлари ва такволари билан саҳобалар ва салафи солихларга ухшаб кетадиган шахслар пайдо бўлиб турди. Ислом дунёсида уз исмлари билан тарихга зийнат бўладиган кишилар чикиб турди.

Мусулмонлар узларининг илк сийратлари ва намунали йулларидан оккан бўлишларига карамай, узлари билан замондош булган жохил умматлардан тубдан фарк килар, улар анбиёларнинг йулига энг якин ва Аллоҳга энг итоаткор кишилар эдилар. Уларнинг борликлари ва давлатлари жохилиятнинг кенг таркалиши ва гуллаб-яшнаши йулидаги энг катта тусик эди. Баъзи нуксонларига карамай, мусулмонлар дунёдаги энг катта куч бўлиб, бошқа давлатлар улардан ха йикиб турар, у билан хисоблашишга мажбур эдилар. Исломнинг уз куч-кудратини йукотиши

Исломнинг куч-кудрати атрофдагиларга сезилмаган холда заифлашиб бораверди. Хатто хижрий VII асрда мўгул-татарлар энг сунгги исломий мамлакат булган хоразмшоҳлар ҳукуматини парчалаб ташлашди, мусулмонларнинг куч-кудрати синиб, Бағдод уларнинг кулларига тушганда хавфли шарпа йуқолди. Худди экинзор даладаги курикчи кулаб тушганида кушлар ва хайвонлар экинзор далага узларини урганидек, душманлар мусулмонларга ва уларнинг юртларига карши узларида журъат топишди.

Мўгуллар мусулмонларнинг меросларига эга чикиб, ҳукумат ишини улардан олиб куйишди. Шунинг узи инсониятнинг бахтсизлиги ва умидсизлиги учун етарли эди.

Оламнинг бошқаруви дини, илми, маданияти ва маънавияти йук булган жохилу вахший уммат кулига Утиши дунёнинг хароб бўлиши учун кифоя эди.

Мугуллар вахший босқинчилар ичида энг ёвузи эди. Улар узлари тугилибусган чуллардан мурмалахдек ёпирилиб келиб, бутун Ислом олами буйлаб таркалиб кетишди. Бу дахшатли офат мусулмонларни куркув ва чорасизликдан бугилишга мажбур килди.

Ибн Касир айтади: «Бу фалокат шу қадар дахшатли эди-ки, мен у ҳақда ёзишга узок вақт ботинолмай юрдим. Хозир ҳам бу ҳақда ёзишни мутлако истамайман. Дарҳақиқат, Ислом ва мусулмонларнинг ҳалокат фожиасини, унинг хорланган ва шармандали тарихини тасвирлашга кимнинг ҳам кули борарди? Канийди бу фалокатлар юз бермасидан олдин тугил маган ёки улиб, унутилиб кетган булсам... Бирок дустларим мени бу ҳақда ёзишга

кундиришди. Узим ҳам бу фожиа хакида индамай туришдан ҳеч қандай фойда йуклиги хакида уйлар эдим. Бу тарихда мисли қурилмаган офат бўлди. У бутун инсониятга, шу жумладан, мусулмонларга ҳам катта талафот етказди. Одам Атодан бугунги кунимизгача бундан бошқа яна шундай воқеа содир бўлган деган одам ҳато қилади. Тарихдаги ҳеч бир ҳодисани унга қиёслаб бўлмайди. То қиёматга қадар ҳам бундай дахшатли қиргин бўлмаса керак (яъжуж-маъжужнинг зохир бўлишидан ташқари). Бу ёввойилар ҳеч қимми аямасди. Улар хомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, ичидаги боласини улдиришарди (Албатта, биз Аллохникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз. Аллохдан бошқада ҳол ва қувват йук). Бу оламшумул мусибат, дунё микёсидаги фожиа эди. У бурондек пайдо бўлиб, бутун дунё бўйлаб шиддат билан ўқиб ўтди». («Ал-Комил»)
Мўгул-татарлар 650 йилда Бағдодга бостириб қириб, уни тошлар уюмига айлантириб ташлашди. Ибн Касир Бағдоднинг талон-тарож қилинишини қуйидагича тасвирлайди: «Бағдодда ўлим ва вайронгарчилик қирқ кун ҳукм сурди. Шундан сунг дунёнинг энг гузал маскани бўлган бу шаҳар шу қадар вайрон бўлиб, ер билан яксон қилинди-ки, унда бир ҳовуч одамгина тирик қолди. Қучалардаги уликлар уюми уйларнинг томигача қутарилди. Ёмғир ёғар, мурдалар ириб-чириб ётар, уларнинг бадбўй ҳиди теваарак атрофни тутиб қетган эди. Шом улқасигача етиб борган дахшатли эпидемия йулида учраган одамларни қириб ташлади. Мамлакатни қахатчилик, вабо ва ўлим қамраб олди».

Имодуддин ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳнинг ёзганлари мўгул-татарларнинг факат Ислом давлатининг пойтахти Бағдодда қилган ваҳшийликлари ва бузғунчиликлари, ҳолос. Мўгул-татар босқинчилари у ерга етиб боргунча мусулмон оламининг бошқа ерларини ундан ҳам баттар вайрон этиб, талон-тарож қилишган. Хоразм, Бухоро ва Самарқанд қаби улқаларнинг одамларини устара билан соқни қиргандек қириб, шаҳар-қишлоқларни ер билан яксон қилишган. Мўгул-татарларнинг оёғи етган жойлар батамом вайронага айланган. Мусулмонлар олти асрдан қупроқ вақтда барпо қилган илм-фан, маданият, санъат дурдонала-ри қилпарчин қилинган. Мусулмон умматининг илм-маърифатли, қуч-қувватли, ақл-зақоватли фарзандлари мўгул-ларнинг қурбонига айланган.

Мўгул-татарларни ва уларнинг ваҳшийликларини қурганларнинг қупчилиги қиёмат яқин қолганда қикадиган яъжуж-маъжужлар шулар бўлса керак, деган ҳулосага қелишган. Тарихчиларнинг ёзишича, ҳолат шу даражага етганки, агар бир мўгул эрқак ёки аёл гузарда тулланиб турган мусулмонларни қуриб, «Шу ерда қимирламай туринглар, мен қиличимни олиб қелиб, ҳаммангни улдираман» деса, мусулмонлар унинг айтганини қилиб. қутиб тураверишган.

Мусулмонларнинг таназзулини яхшилаб урганган баъзи олимлар бу улқан мусибатнинг иккита асосий сабаби бор-лигини, бири - Қуръони Қарим ва Суннатдан узоклашиш, иккинчиси - мўғуллар босқини эканини алоҳида таъқидлайдилар. Ҳақиқатан ҳам таълим-тарбия нима эканини билмаган мўғуллар мусулмон оламининг қулини қукка соқуриб ташлаган эдилар. Уларнинг қадами етган ҳар бир жой бор-будида бутунлай мосуво бўлган эди. Мусулмон оламининг энг яхши фарзандлари қириб ташланган, илм, маърифат, фан ва санъат, меъморчилик ва тамаддуннинг бошқа барча соқалари махв этилган эди.

Аммо шу билан бирга, мусулмонлар уруш майдони-да енгилган бўлсалар ҳам, рухий-маънавий майдонда енгилмадилар. Улар босқинчи мўғулларга паст назар билан қарар, «Бу мушрик қигирткалар қим бўлибди, шулар ҳам одамми, Аллох таоло бизни узимиздан ўтган ҳатолар туфайли улар билан синамоқда, ҳолос. Агар биз узимизни

ислох килсак динимизни махкам тутсак, буларни албатта йук киламиз», деган фикрда эдилар.

Шундай булди ҳам. Мусулмонлардан динини махкам ушлаганлари бошхаларга урناк булдилар, уларга танбех, бердилар. Аста-секин узларини ислох килдилар ва мўгулларнинг кунини курсатиб куйдилар.

Мусулмонлар султон Сайфуддин Кутуз ва унинг аскар бошиси Зоҳир Бейбарс бошчилигида хижрий 658, милодий 1259 сана, Рамазон ойининг 15 кунини Фаластиннинг Ноблус шаҳри яхинидаги Айну Жолут деган жойда Хулағунинг ноибини Кутбуга рахбарлигидаги мўгуллар лашкарига қарши ҳаёт-мамот жангига кирдилар. Мусулмонлар бу жангда мисли қурилмаган улкан зафар қучиб, мўгулларни Шомдан қайдаб чиқардилар.

Ушбу жанг Ислом тарихидаги энг буюқ зафарлардан бири ҳисобланади. Бу мўгуллар устидан ғалаба қозонилган биринчи жанг эди. Мусулмонлардан олдин мўгулларни ҳеч ким енга олмаган эди. Мусулмонлар мўгуллар ҳақидаги тилларда дoston булган афсоналарни чиппаққа чиқардилар.

Мўгуллар Аллох таолонинг охириги ва мукамал динини тан олиб, мусулмон бўлишди ва бора-бора ерлик мусулмонларга аралашиб кетдилар. Бу ҳам инсоният тарихида мисли қурилмаган иш бўлиб, Исломнинг буюқ ғалабаси эди. Тарихда ҳеч бир ғолиб халқ узи мағлуб қилган халқнинг динига бу шаклда қирмаган эди.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг
"Олам ва одам, дин ва ислом" китобидан